

АССОЦИАТИВ ВЕРБАЛ ПОРТРЕТ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

Лутфуллаева Дурдона Эсоновна

филология фанлари доктори, профессор

ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фолькори институти

Кейинги йилларда тилшуносликда инсоннинг ташқи оламни идрок этиш ҳақидаги билим ва тасаввурларининг тилда вербал ифода топиши масаласини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу муаммо доирасида инсон тасаввуридаги оламни тилда акс эттирувчи вербал ассоциациялар моҳиятини очиб бериш, ассоциацияларнинг юзага келишига туртки берувчи лисоний, нолисоний омилларни аниқлаш, ассоциатив боғланган бирликларнинг лингвистик хусусиятларини ёритиш, уларда инсон омилининг ролига баҳо бериш долзарб вазифалардан бирига айланди. Ассоциатив тилшуносликда, айниқса, жамиятнинг муайян вакили, хусусан, адиблар, сиёсатчилар, санъат аҳли, халқ қаҳрамонлари каби машҳур инсонлар ёки бирор бир миллатнинг ассоциатив вербал портретини яратиш муаммосини ўрганиш тадқиқотчилар эътиборини тортмоқда.

Муайян жамият аъзоси ёки бирор бир миллатнинг ассоциатив вербал портретини яратиш муаммоси бўйича олиб бориладиган тадқиқотлар тил бирликларининг ассоциатив хусусиятини очиб беришга хизмат қилиши билан бирга, жамият аъзоларининг кишилар тасаввуридаги образини тасвирлашга, улар ҳақидаги тасаввурларни умумлаштиришга хизмат қилади.

Ассоциатив портрет тил эгаларининг бирор бир шахс ёки миллат ҳақидаги ассоциацияларига асосланган вербал тасвирдир. Бундай портрет тил эгалари устида ўтказиладиган ассоциатив тажриба материаллари асосида яратилади.

Ассоциатив портретда тил эгаларининг муайян шахс ёки миллат ҳақидаги билимлари воқеланади. Бу билимлар кўпинча субъектив характерда бўлиб, тил эгаларининг муайян шахс ёки миллатга берган баҳоси орқали намоён бўлади. Муайян шахсга ёки бирор бир миллатга берилган вербал ассоциацияларнинг субъектив характерда бўлишига турли омиллар таъсир кўрсатади. Булар:

1. Тил эгаларининг муайян шахс ёки миллатга нисбатан салбий (шахсий адовати, келишмовчилик, тушунмовчилик кабилар) ёки ижобий муносабати (ўзаро ҳамкорлик, ҳамфикрлилик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш кабилар).

2. Тил эгаларининг муайян шахс ёки миллат ҳақида ўқиган, ўзгалардан эшитган билимлари, унинг мазмун-моҳияти, мазкур билимларга асосланган тасаввурлар.

3. Тил эгаларининг муайян шахс ёки миллат вакиллари билан ижтимоий, сиёсий, маданий, ҳуқуқий, диний алоқалари характери (турли муносабатларга асосланган ўзаро ҳамкорлик алоқалари кабилар).

4. Тил эгаларининг муайян шахс ёки миллат вакиллари билан қўшничилик алоқалари (бир минтақада яшаш, қўни-қўшни бўлиб яшаш кабилар) таъсири.

5. Тил эгаларига муайян шахс ёки миллат вакилининг дунёқараши, қизиқишлари яқинлиги, ўхшашлиги кабилар.

Ушбу омиллар тил эгаларининг бирор бир шахс ёки миллат ҳақидаги тасаввурларининг салбий ёки ижобий характерда бўлишига бевосита таъсир кўрсатади. Мазкур омиллар шахс ёки миллатнинг ассоциацияларга асосланган этник портретида ҳам кўзга ташланади.

Тил эгалари томонидан яратилган ассоциатив вербал портрет тасвирида асосий ҳолларда соматик бирликлардан фойдаланиш кўзга ташланади. Бу бежиз эмас, албатта. Бирор бир шахс образи тил эгаси тасаввурида тикланар экан, аввало, унинг гавда тузилиши кўз олдига келади. Инсоннинг гавда тузилиши унинг ассоциатив вербал портретини яхлит тасвирлашга имкон беради. Шу жиҳатдан ассоциатив портрет тасвирида соматиконларга алоҳида ўрин берилади. Ю.А.Сорокиннинг фикрича, соматиконлар шахснинг ўзига разм солишига, витал ва ментал дунёсининг яхлит ҳолда кўришига имкон беради”¹.

Дарҳақиқат, соматик бирликлар шахс ассоциатив портретининг таянч бирликлари бўлиб, унинг нафақат гавда тузилиши ҳақида, балки этник белгиси, ёши, жинси ҳақида ҳам маълумот бера олади. Бундай этник портретларда миллат, унинг вакиллари ҳақидаги умумлашма тасаввурлар акс этади. Зеро, соматик бирликлар этник шартланган бўлганлиги сабабли ҳам миллий ассоциатив портретлар тасвирида муҳим аҳамият касб этади.

Тилшуносликда муайян шахс ёки бирор бир миллатнинг миллий ассоциатив этник портретини яратишда ассоциатив тажриба материалларига мурожаат қилинади. Муайян шахснинг ассоциатив портретини тасвирлашда йўналтирилган ассоциатив тажриба методидан фойдаланиш самаралидир. Н.Дмитрюкнинг фикрича, “оламнинг лисоний манзараси” соматик автообразга “жойлаштирилган” кабидир: инсон “ташқари” (ташқи олам)ни “ичкари”

¹ Сорокин Ю.А. Антропоцентризм vs антропофилия: доводы в пользу второго понятия // Язык, сознание, коммуникация. Вып.4. М., 1998. – С. 36.

орқали идрок этадики, у этник жиҳатдан йўналтирилган бўлиб, бу икки образ чегаралари (олам манзараси ва бу оламда унинг ўз тасвири) анча ҳаракатчан, ўзаро қарама-қаршиликлар ва ўтишлар, бир-бирига мос келишлар ва фарқларга тўла. Шунинг учун ҳозирги кунга қадар инсоннинг лисоний онгида ташқи оламини ва ўзини идрок этиш “проекциялари”ни ўрганиш учун энг асосли ва самарали (тўғри эканлиги исботланган) тадқиқот воситаси, умумий тарзда бўлса-да, тил эгаларининг вербал хатти-ҳаракатларининг чуқур моделларини кўрсатувчи, кўплаб ассоциатив жавоблар реакцияларини олишга имконият яратадиган эркин ва йўналтирилган ассоциатив тажриба методларидир¹.

Албатта, ассоциатив тажриба материаллари муайян шахс ёки миллатнинг ассоциатив вербал портретини яратишда муҳим аҳамиятга эга. Улар асосида тил эгалари онгидан ўрин олган шахс ёки миллат қиёфаси - образини тиклаш мумкин бўлади. Ассоциатив тажриба материаллари тил эгалари лисоний онгида муайян шахс ёки миллат қиёфаси бўйича тўпланган маълумотларни тақдим этади ва шу орқали лисоний онгнинг мавжудлиги, унинг функциялашуви ҳақидаги қарашларни далиллайди.

Ассоциатив тажриба материаллари тил эгаларидан муайян шахс ёки миллатнинг яхлит этник портрети материалларини олишга имконият яратади.

Дарҳақиқат, лисон ортида турган онг фаолияти, унда ташқи олам образининг ҳосил бўлиши, олам манзарасининг турли маданиятлардаги қиёфаси, ҳар бир миллатнинг этник образи, инсоннинг лисоний хотираси ва тафаккури фаолияти механизмини амалий тажрибалар орқали ўрганишга имконият яратувчи методлардан бири ассоциатив тажриба методидир.

Кейинги йилларда дунё тилшунослигида ассоциатив тажрибаларнинг қўлланиш кўлами ортиб бормокда. А.А.Залевскаянинг қайд этишича, сўнги йилларда ассоциатив тажрибалар сўз билан боғлиқ қуйидаги масалалар ечимида ўзини оқлади: сўзнинг психологик маъноси (Доценко, 1998), сўзнинг категориал ва предметлик маъноси (Маскадыня, 1989; Соловьева, 1989), болаларда сўз маънолари ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари (Рогожникова, 1986; 1988; Соколова, 1996; 1997), алоҳида категориядаги сўзларнинг маъно хусусиятлари (масалан, ҳиссиётлар номлари (Перфильева, 1997); қиёс конструкцияларда тиргак сўзлар (Пашковская, 1997; Шмелева, 1988), сўзлар орасидаги алоқалар (Лебедева, 1991; Медведева, 1989; Новичихина, 1995), инсон лексиконининг шаклланиши, унинг «ядро» қисмининг ажратилиши (Залевская, 1977; 1981; Золотова, 1989). Олиманинг

¹ Дмитриук Н.В. Ассоциативные портреты — характеристики представителей русского и казахского этносов // [HTTPS://ILING-RAN.RU/LIBRARY/PSYLINGVA/SBORNIKI/BOOK2000/HTML_204/4-5.HTML](https://iling-ran.ru/library/psylingva/sborniki/book2000/html_204/4-5.html)

фикрича, ассоциатив тажрибаларни турли тиллар ва маданиятлар тадқиқига татбиқ этиш орқали ҳам муҳим натижаларга эга бўлинди (Дмитрюк, 1985; 1998; Салихова, 1999; Этнопсихоллингвистика, 1988), ассоциатив тажрибалар турли тил эгаларининг ассоциатив портретини тузишда (Ершова, 1998; Мруэ, 1998), нутқ ҳосил бўлиши жараёнининг айрим жиҳатлари ва ассоциатив структураларнинг матн ҳосил қилишдаги ролини ўрганишда (Овчинникова, 1994; 1996а; 1996б), тилларнинг бир-бирига таъсири хусусиятларини аниқлашда (Грабска, 1996) самарали натижалар берди.¹

Бугунги кунда ассоциатив тажриба методидан тил эгаларининг ассоциатив этник портретини ҳосил қилишда ҳам фойдаланиш самарали натижа бермоқда. А.А.Леонтьев таъкидлаганидек, ассоциатив тажрибалар, айниқса, луғавий бирликларнинг “маданийлик” белгисини, сўзга хос семантик алоқаларни, унинг “семантик обертонлари”ни очиб беришга ёрдам беради.²

Вербал ассоциатив портретларни яратишда қўлланиладиган ассоциатив тажрибаларда ҳам тилнинг маданийлик, миллийлик хусусияти юзага чиқади. Айниқса, вербал ассоциатив портретлар миллий-маданий хусусиятга эга бўлганлиги сабабли уларни яратишга хизмат қилувчи ассоциациялар ҳам, асосан, миллий-маданий характер касб этади.

Вербал ассоциатив портрет характеридан келиб чиққан ҳолда муайян тил эгалари ёки ўзга миллат вакиллари устида йўналтирилган ассоциатив тажриба ўтказиш мумкин. Ю.И.Алферованинг таъкидлашича, йўналтирилган тажриба методи ассоциацияларни тадқиқот мақсадига “йўналтиради” ва синалувчилар эътиборини аниқ масалага қаратади. Аммо бундай тажрибанинг “йўналтирилганлиги” ва ассоциациялаштириш жараёнига муайян чегара қўйилиши тажрибада олинадиган натижаларнинг ишончлилигини жиддий тарзда пасайтиради, ассоциатив жараённинг соф ҳолатда кечишини қийинлаштиради. Бироқ бу тажриба методи содда, қўллашга қулай, уни бир вақтда катта гуруҳда ўтказиш мумкин. Синалувчилар берилган сўзнинг ассоциациялари устида ишлайдилар, бу ҳолат сўзнинг ассоциатив маъно компонентларини аниқлашга ёрдам беради.³

Ўзбек тили эгалари устида ўтказилган бу тарздаги йўналтирилган ассоциатив тажрибалар “Ўзбек ўзбекнинг нигоҳида”, ўзга миллат вакиллари устида ўтказилган ассоциатив тажрибалар материаллари эса “Ўзбек ўзгалар нигоҳида” мазмунидаги ассоциатив портретларни тасвирлашга хизмат қилади.

¹ Бу ҳақда қаранг: Лутфуллаева Д. Ассоциатив тилшунослик назарияси. – Тошкент: Merius, 2018. – Б. 83.

² Қаранг: Леонтьев А.А. Общие сведения об ассоциациях и ассоциативных нормах // Словарь ассоциативных норм русского языка. – М.: МГУ, 1977. – С.14.

³ Алфорова Ю.И. Профессионально-маркированные компоненты языкового сознания, репрезентированные единицами родного и изучаемого языков: Дис. ... канд. филол. наук. – Омск, 2005. – С.46.

Соматик характердаги ассоциатив тажрибалар йўналтирилганлик характерида бўлиб, унда ҳар бир синалувчи махсус топшириқни: муайян шахс ёки миллатнинг умумий гавда тузилишини акс эттирувчи ассоциацияларни тақдим этиш топшириғини бажаради. Масалан, Ўзбекистон халқ қаҳрамони шоир Абдулла Ориповнинг вербал ассоциатив портретини яратиш учун синалувчилардан сўровномага шоирнинг гавда тузилиши ҳақида тасаввурларида тикланган образни акс эттирувчи ассоциацияларни қайд этиш топшириғи берилади. Ёки ўзбек миллатига хос гавда тузилишини аниқлаш мақсадида тил эгаларига қуйидаги топшириқ берилиши мумкин:

“Абдулла Орипов” номини эшитишингиз билан 1 дақиқа ичида хотирангизда тикланган шоирнинг гавда тузилишини акс эттирувчи ассоциацияларни сўровномага қайд этинг, ассоциациялар чегараланмаган миқдорда ёзилиши мумкин”.

Ўзбек миллатининг соматик портретини тасвирлаш учун қуйидаги саволномадан фойдаланиш мумкин:

“Ўзбек” сўзини эшитишингиз билан 1 дақиқа ичида хотирангизда тикланган ўзбеклар гавда тузилишини акс эттирувчи ассоциацияларни сўровномага қайд этинг”.

Ёки: “Берилган тана аъзолари номи олдидан хотирангизга келган ўзбек халқининг гавда тузилишини акс эттирувчи биринчи аниқловчини ёзинг: бош, соч, бўйин, пешана, кўз, қош, бурун, оғиз, лаб, тиш, тил, юз, ёнок, ёнок суяклари, ияк, қулоқлар, оёқлар, қўллар, бармоқлар, қорин, кўкрак, елка, тирноқлар, тиззалар”.

Демак, синалувчилар ўзбек сўзини эшитишлари билан ўзбеклар гавда тузилиши билан боғлиқ хотираларида тикланган чекланмаган миқдордаги ассоциацияларни сўровномага қайд этишади. Бу турдаги тажриба йўналтирилган ассоциатив тажриба бўлиб, ушбу методда синалувчилар аниқ бир топшириқни бажаришлари талаб этилади.

Англашиладики, соматик характердаги ассоциатив тажрибаларда синалувчилардан муайян шахс ёки миллатнинг умумий гавда тузилиши ҳақидаги чекланмаган миқдордаги маълумотлар олинади.

Аммо бундай тажрибаларда муайян шахс ёки миллатнинг нафақат умумий гавда тузилиши ҳақида, балки унинг гавда тузилишига мос хатти-ҳаракатлари, мимик ифодалари, жестлари ҳақида ҳам маълумотлар тўпланади.

Бирор бир шахс ёки миллатнинг соматик характердаги вербал ассоциатив портрети қаторида унинг характериға хос муҳим қирраларини акс эттирувчи автообразларнинг яратилиши ҳам тилшуносликка қизиқарли маълумотларни тақдим этади.

Шунингдек, вербал ассоциатив портретларни кишиларнинг касбий фаолият, одоб-ахлоқ нуқтаи назаридан ҳам шакллантириш мумкин.

Қуйида тил эгаларида соматик бирликларга нисбатан ҳосил бўладиган қуйидаги жавоб реакцияларининг ассоциатив вербал портретни яратишдаги ўрнини ёритамиз. Бунда соматик бирликларнинг муайян шахс ёки бирор миллатга нисбатан қўлланаётганлигини инобатга олиш лозим бўлади.

Ўтказилган ассоциатив тажрибаларда синалувчиларга берилган тана аъзолари номи олдида биринчи аниқловчини ёзиш топшириғида қуйидаги ассоциациялар олинди: думалоқ бош, қора соч, қисқа бўйин, тиришган пешана, қора кўз, қора қош, қирра бурун, кичкина оғиз, қалин лаб, тилла тиш, узун тил, чўзиқ юз, қизил ёноқ, кичкина ияк, катта қулоқлар, қисқа оёқлар, узун қўллар, калта бармоқлар, меш қорин, кенг кўкрак, катта елка, бўялган тирноқлар.

Ушбу ассоциациялар ўзбек халқининг умумий қиёфасини яратишда аҳамиятли. Аммо улар миллатнинг эмас, аввало, унинг бирор бир вакили ташқи қиёфасини чизишда муҳим ўрин тутган. Масалан, ўзбеклар қора соч қора қош, қора кўзли халқдир.

Тиришган пешана бирикмаси ўзбек миллати вакилининг меҳнаткашлиги, ҳаёти ҳар доим ҳам енгил кечмаганлиги, ёши улуғлигидан далолат беради. Катта қулоқлар, меш қорин, кенг кўкрак, катта елка бирикмалари эркак кишига ишора қилади. Бўялган тирноқлар, қизил ёноқ бирикмалари аёл кишига хос белгиларни англатади.

Англашиладики, мазкур ассоциатив бирликлар ўзбек халқининг умумий портретини ҳосил қилмаган, балки миллатнинг бирор вакили қиёфасини чизишга хизмат қилган. Аммо бу типдаги ассоциациялар миллатнинг умумлашма қиёфасини вербал тасвирлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Миллат қиёфаси ҳақида гап кетганда тил эгалари хотирасида алоҳида мавҳум шахслар қиёфаси тикланса-да, бу якка шахслар миллатнинг умумлашма вербал портретини тасвирлашда муҳим аҳамият касб этади.

Хуллас, бирор бир халқнинг ассоциатив вербал портретини ҳосил қилишда қўплаб миллат вакиллариининг ассоциатив портретларига асосланилади. Бундай вербал портретлар умумий тарзда миллат қиёфасини акс эттиришга хизмат қилади.